

«O`zparavtotrans» aksiyadorlik jamiyati
 акциядорларининг 2017 йил « 29 » июндаги
 умумий йиғилиш қарори билан
«Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н»

«O`zparavtotrans» АЖ
Кузатув кенгаши туғрисидаги низомга
киритиладиган узгартирилишлар ва кушимчалар матни

Эски тахрир	Янги тахрир
<p>2.3. банди</p> <p>- жамият уставига узгартириш ва кушимчалар киритиш ёки янги тахрирдаги уставни тасдиқлаш, шунингдек аудиторлик текшириши утказиш, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига ҳақ тулашнинг чекланган миқдорини белгилаш туғрисидаги масалаларни акциядорлар умумий йиғилиши қарорига киритиш;</p> <p>- жамиятнинг йиллик ҳисоботи билан жамиятнинг йиллик молия-ҳужалик фаолиятини аудиторлик текшируви яқунлари бўйича ташкилотнинг ҳисобот ва ҳулосасини эшитиш ҳамда унинг натижалари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш. Бунда жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши утказиладиган санадан уттиз кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан даслабки тарзда тасдиқланиши лозим;</p>	<p>2.3. бандига кушимча ва узгартиришлар киритилсин:</p> <p>- жамият уставига узгартириш ва кушимчалар киритиш ёки янги тахрирдаги уставни тасдиқлаш туғрисидаги масалаларни акциядорлар умумий йиғилиши қарорига киритиш;</p> <p>- жамиятнинг йиллик ҳисоботи билан жамиятнинг йиллик молия-ҳужалик фаолиятини аудиторлик текшируви яқунлари бўйича ташкилотнинг ҳисобот ва ҳулосасини эшитиш ҳамда унинг натижалари бўйича тегишли чора-тадбирлар белгилаш. Бунда жамиятнинг йиллик ҳисоботи акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши утказиладиган санадан ун кундан кечиктирмай жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан даслабки тарзда тасдиқланиши лозим;</p> <p>- аудиторлик текшируви, шу жумладан халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан утказиш туғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига туланадиган ҳақнинг тулашнинг энг кўп миқдорини белгилаш ҳақида қарор қабул қилиш;</p> <p>- жамиятда корпоратив бошқарув тизимни баҳолаш учун мустақил ташкилотни танлов асосида тайинлаш ва хизмат ҳақининг энг юқори миқдорини белгилаш бўйича қарор қабул қилиш;</p> <p>- Жамиятни ташкилий тузилмасининг қонунийлик талабларига муносиблигини доимий равишда баҳолаш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича ишларни мувофиқлаштириш;</p>
	<p>2.4. бандига кушимча 12-хат боши киритилсин:</p> <p>Жамият низомининг қўпол бузилишига йўл қўйганда ва узининг ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида жамиятга зарар етказганда, сайланган кузатув кенгаши аъзосининг ваколати акциядорлар умумий йиғилиши қарорига асосан мўтдатдан олдин тўхтатилиши мумкин.</p>
<p>4.1. банд.</p> <p>Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз</p>	<p>4.1. бандига қўйидаги узгартириш киритилсин:</p> <p>Жамият кузатув кенгашининг мажлиси кузатув</p>

<p>ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчисининг), ижроия органи аъзосининг, шунингдек жамият уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартиби жамиятнинг уставида белгилаб қўйилади.</p>	<p>кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси (тафтишчисининг), ижроия органи аъзосининг, ички аудит, шунингдек жамият уставида белгиланган бошқа шахсларнинг талабига кўра чақирилади. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини чақириш ва ўтказиш тартиби жамиятнинг уставида белгилаб қўйилади.</p>
<p>4.9. банд.</p> <p>Жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.</p>	<p>4.9. бандига кўйидагича узгартириш кирилсин:</p> <p>Конунчилик, жамият устави ва ушбу низом билан жамият ваколатларига берилган масалалар буйича жамият кузатув кенгашининг қарорлари сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) жамият кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши мумкин.</p>
	<p>4.11. банд қушимча киритилсин:</p> <p>Кузатув кенгаши йигилиши ўтказиш санасида кузатув кенгашининг аъзосини мамлакат ташқарисида бўлган тақдирда кузатув кенгаши раисини рухсати билан ушбу аъзони иштироки видеоконференц алоқа воситасида амалга оширилиши мумкин. Бунда холда кворумни аниқлашда видеоконференц алоқа воситасида иштирок этаётган кузатув кенгаши аъзолари ҳам ҳисобга олинади.</p> <p>Кузатув кенгаши йигилиши видеоконференц алоқа воситаси ёрдамида ўтказилган тақдирда ушбу йигилиш баённомасига конференция видео ёзуви электрон сақлагичда илова қилинади.</p> <p>Видеоконференц алоқа воситаси ёрдамида кузатув кенгаши йигилишида иштирок этган кузатув кенгаши аъзоси мамлакатга қайтгандан сўнг ушбу йигилиш баённомасини имзолаши шарт.</p>
	<p>4.12. банд қушимча киритилсин:</p> <p>Жамият кузатув кенгашининг ташаббуси билан тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш буйича самарали қарорлар қабул қилиш мақсадида доимий ва вақтинчалик кумиталар (ишчи гуруҳлари) ташкил этиш мумкин. Кумиталарнинг асосий вазифалари ўзларининг йўналишлари буйича кузатув кенгашининг ваколатига қирадиган масалаларни олдиндан ҳар томонлама урганиб чиқиш натижаси буйича кузатув кенгашига киритиш учун ҳулосалар тайёрлаш.</p> <p>Комитетлар кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари уқитувчилари ва бошқалар)дан ташкил этилади. Комитетларнинг ваколатлари ва ишлаш тартиби кузатув кенгашининг ўларни ташкил этиш туғрисидаги қарори билан ўрнатилади. Комитетлар ва ишчи гуруҳлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари,</p>

	<p>жамият устави ва низомлари талабларига, ҳамда жамият акциядорларининг умумий йигилиши ва кузатув кенгаши қарорлари риоя қилган ҳолда фаолият олиб боради.</p>
<p>5.1. банднинг 5- ва 6- хат боши.</p> <p>Кузатув кенгаши раисига: ҳар чорақда энг кам ойлик иш ҳақининг аъзоларига 15 (ўн беш) бараваригача миқдорида ва қолган аъзоларига: ҳар чорақда Кузатув кенгаши йиғилишларида қатнашган аъзоларга энг кам ойлик иш ҳақининг 15 (ўн беш) бараваригача миқдорида мукофот тўланади.</p> <p>Кузатув кенгашининг йиллик иш режасини тайёрлаш, мажлис қарорларини расмийлаштириш, қарорларини ижро этиш жараёнини мониторинг қилиш, кирувчи ва чикувчи хатлар корреспонденцияларни ҳисобини юритиш мақсадида Кузатув кенгаши аъзолари таркибидан қотиб тайинланиши мумкин. Агар Кузатув кенгаши қотиби жамият мутахассислари таркибидан тайинланса ҳар чорақда бир марта Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баравари миқдорида мукофот тўланади.</p>	<p>5.1. банднинг 5- ва 6- хат бошларига кўйидаги узгартириш киритилсин:</p> <p>Кузатув кенгаши аъзоларига ҳар чорақда Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) энг кам ойлик иш ҳақининг 15 (ун беш) баравари миқдори рағбатлантириш (мукофот) пули тўланади.</p> <p>Жамият Кузатув кенгаши аъзоларига корпоратив бошқарув тизимини мустаккил баҳолаш натижаларига қўра қўшимча рағбатлантириш (мукофот) пули тўлашни кўйидиги шартлари ўрнатилсин:</p> <ul style="list-style-type: none"> • агар бошқарув тизими қониқарли баҳоланса - йилига бир марта Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) энг кам ойлик иш ҳақининг 25 (йигирма беш) баравари миқдорида мукофот тўланади; • агар бошқарув тизими юқори баҳоланса - йилига бир марта Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) энг кам ойлик иш ҳақининг 50 (эллик) баравари миқдорида мукофот пули тўланади. <p>Кузатув кенгашининг йиллик иш режасини тайёрлаш, мажлис қарорларини расмийлаштириш, қарорларини ижро этиш жараёнини мониторинг қилиш, кирувчи ва чикувчи хатлар корреспонденцияларни ҳисобини юритиш мақсадида Кузатув кенгаши аъзолари таркибидан қотиб тайинланиши мумкин. Агар Кузатув кенгаши қотиби жамият мутахассислари таркибидан тайинланса ҳар чорақда бир марта Ўзбекистон Республикасида белгиланган (амалда бўлган) энг кам ойлик иш ҳақининг 10 (ўн) баравари миқдорида мукофот тўланади.</p>